

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЁРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Молиявий ва бошқарув таҳлили»  
фанидан

**МАЪРУЗА МАТНЛАРИ**

**Тошкент- 2005**

"МАЪҚУЛЛАНГАН"  
"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" факультети  
ы=ув-услугий кенгашида муҳокама  
килинган ва маъқулланган  
Кенгаш раиси \_\_\_\_\_ доц. Ғ.Т.Эшбоев  
" \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2005 й.

"ТАВСИЯ ЭТИЛГАН"  
"Бухгалтерия ҳисоби"  
кафедра мажлисида муҳокама килинган ва тавсия этилган  
кафедра мудири \_\_\_\_\_ проф. Н. Жураев  
(мажлисининг \_\_\_\_\_ сонли баённомаси  
" \_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2005 й.)

Аннотация: Ушбу маъруза матнида келтирилган мавзуларни талабалар томонидан узлаштириш жараёнида корхоналарда амалга ошириладиган хужалик операцияларини шунингдек, уларнинг молиявий хужалик фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб, уларнинг ишлаб чиқариш имконияти даражаларини, улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини, маҳсулот сотишга таъсир этувчи омилларни, молиявий натижаларга эга бўлишда таъсир этувчи салбий оқибатларнинг олдини олиш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашдаги зарур билим ва қуникмаларга эга бўлади.

Такризчилар:

1. М.Рахимов. и.ф.н. - Тошкент молия институти "Молиявий таҳлил" кафедраси доценти
2. Утемуродова М. - «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси катта ўқитувчиси

Тузувчилар:

© Абдувахидов Ф., Сотиволдиева Д.А.- «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанидан маъруза матни. - Т.: ТДИУ, 2005. 177- бет.

## Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шаклларида қатъий назар бошқарув фаолиятини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, шунингдек, бевосита бозордаги рақобатни эътиборга олиб қанча, нима ва қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиримоғи лозим. Шу билан бир қаторда мавжуд ресурсларда самарали фойдаланиб, маҳсулот таннархини имкон қадар бозорбоп ва харидорларнинг эhtiёжларига мос равишда рақобатбардошли ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, шунингдек, кохонанинг молиявий хўжалик фаолиятига ҳолисона баҳо бериш, унинг молиявий барқорорлигини таъминлаш, молиявий натижаларини тўғри аниқлаш, моддий-молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятларини ҳисоблаб топиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда молиявий коэффицентларни қўллаш тартиби орқали уларнинг қанчалик самарали ишлатилишини олдиндан ўрганишни талаб этади. Бундай ишларни амалга оширишда бошқарув ва молиявий таълили фани асослари ҳамда уларда қўлланиладиган усулларни билиш талаб этилади. Шу боисдан, мазкур маъруза матнида корхоналар фаолиятини бошқаришга доир мавзулар берилган ва уларни талабаларнинг чуқур ўрганиши натижасида юқоридаги масалаларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш имкониятига ҳамда қўникмаларга эга бўлишлари мумкин. Бунда бошқарув ишларини ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни олдиндан ҳисоблаб чиқиш ҳамда уларни бошқариш учун тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари мумкин.

**Режа:**

- 1.1. Бозор иктисодиёти шароитида тахлилнинг тутган урни, ахамияти ва вазифалари
- 1.2. Бозор иктисодиёти шароитида иктисодий тахлилнинг таркибий қисмлари:

**1.1. Бозор иктисодиёти шароитида тахлилнинг тутган урни, ахамияти ва вазифалари**

Табиат ва жамиятдаги ходисалар сингари иктисодий ходисаларнинг ҳам таркибий қисмларини билмай туриб, яъни тахлил қилмай туриб, уларни илмий жихатдан урганиб бўлмайди.

Анализ ибораси «analysis» суздан олинган булиб, «буламан», «хал этаман» деган маънони билдиради. Бинобарин, тахлил мураккаб ходиса ва предметларни таркибий қисмларга булиш, ажратиб қуйиш асосида курсаткичларни такқослаш ва урганиш демакдир. Маълумки, корхоналарда иктисодий самарадорликни ошириш, фаолиятнинг сифат ва миқдор курсаткичлари буйича мувафаккиятларни урганиш ва уни такомиллаштиришнинг қулай йулларини белгилаш - иктисодий тахлилни ташкил қилишнинг зарурий шартларидан биридир.

Ҳаққоний ва уз вақтида утқазилган иктисодий тахлил корхона фаолиятида мавжуд қамчиликларни бартараф қилишга, унумдорликни оширишга, фаолиятнинг барча курсаткичлари буйича тулик маълумотга эга булишга ва корхона ривожланиш истикболларини белгилашга қатта ёрдам беради.

Бозор муносабатларига утиш - корхона ва ташкилотларга хужалик ҳисобини, бошқарув таркиби ва меҳнатга ҳақ тулаш тизимини мустақил танлашга имкон яратди. Ушбу танланган йулнинг қанчалик тугри ва қулай эканлиги хужалик фаолиятини ривожлантириш йулларини аниқлаш иктисодий тахлилнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун иктисодий тахлил корхона фаолиятининг барқарорлигини, молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ва фойда миқдорини қупайтиришнинг оптимал йулларини аниқлай олади.

Бозор иктисодиёти шароитида иктисодий тахлилнинг роли кескин ошади, чунки бошқаришда олдинги маъмурий-буйрукбозлик тизимидан воз кечилиб янги, эркин иктисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланади. Олдинги тахлил асосан, режа курсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ҳар бир хужалик субъекти уз фаолиятини мустақил равишда бошқаради. Бу уз навбатида тахлилнинг ролини оширади. Иктисодий тахлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Иктисодий тахлил орқали ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда мамлакатнинг иктисодий салоҳияти аниқланади. Бунда, тахлил учун манба булиб, йигма статистик маълумот асос бўла олади. Хужалик фаолиятини тахлил қилишдан мақсад корхона ва бирлашмаларнинг иш фаолиятига объектив баҳо бериш ва хужалик юриштишнинг самарадорлигини янада оширишдан иборатдир. Бундай тахлил натижалари корхонанинг хужалик фаолиятини доимо назорат қилиб туришни, унга раҳбарлик қилишда хатога йул қуймасликнинг олдини олишга хизмат қилади. Хужалик фаолиятини тахлил қилиш қуйидаги тамойилларга амал қилган ҳолда амалга оширилади: илмий асосланган тамойил; объективлик тамойили; тизимли ва комплекслик тамойили; оперативлик тамойили; умумийлик тамойили.

Ушбу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда иктисодий тахлилнинг бозор иктисодиёти шароитидаги асосий вазифалари қуйидагилардан:

- корхонада мавжуд молиявий, меҳнат ва моддий ресурсларидан самарали фойдаланиш йул-йурикларини ишлаб чиқиш;
- корхонанинг бизнес режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
- бизнес режанинг бажарилиши корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаши, унинг иктисодий кудратини яхшилаши, ҳар бир хужалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни урганиш;
- ҳар бир йуналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, унинг таъсирини ҳисоблаш ва бу омилларнинг иш самарадорлигини оширишга сафарбар қилиш;
- корхонанинг иктисодий ва молиявий потенциалига, унинг туловга қодирлиги ва қобилиятлилигига баҳо бериш ҳамда бу натижага тезкор чора-тадбирларни қўллашга жалб қилиш;
- корхонанинг тижорат сирини сақлаган ҳолда унинг молиявий ахволини кенг жамоатчиликка, курсата билиш ва ташқи инвесторларни корхона фаолиятини яхшилашга жалб қилиш;
- корхонани бошқаришнинг энг қулай ва нафли усуллари ишлаб чиқиш, тегишли ахборотлар манбаини етказиб бериш қабилардан иборатдир.

Иктисодий таҳлилнинг вазифаси- ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти шу даражада серқирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жиҳатларини урганиш лозим. Шундай экан, таҳлил вазифаси ҳам қўп қирралидир.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланади. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йул қўймаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хужалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва самарадорлиги ошиб бориши таъминланади.

Иктисодий таҳлилининг асосий вазифаси - бу корхоналар фаолиятида фойда миқдорини қўпайтиришнинг тугри ва оптимал йулларини аниқлаб беришдир. Агар корхона фаолиятида фойда миқдорининг ошишига нарх-навонинг қўтарилиши ёки атроф муҳитга зарар етказиш эвазига эришилса, буни ҳеч қачон корхона мувофакқияти деб бўлмайди.

Иктисодий таҳлил олдида турган муҳим вазифалардан яна бири - бу корхона меҳнат жамоаси фаолиятининг иктисодий натижасини аниқлашдир. Таҳлил қилиш жараёнида ташқи ва меҳнат жамоасига боғлиқ омиллар аҳамиятини урганиш лозим. Бунда фақатгина эришилган натижаларни меъёрий ёки ҳисобот даври натижалари билан таққослаш билан чегараланиб қолиш керак эмас. Энг муҳими - мамлакат эришган ютуқлари, рақобатбардош маҳсулот курсатқичлари ва дунё илмий-техника даражаси билан солиштириш мувофакқиятлар гарови эканлигини унутмасликдир.

Бозор муносабатлари шароитида ҳисоб ва ҳисоботни икки қисмга бўлиш қабул қилинган:

1.Бошқарув ҳисоби:

2.Молиявий ҳисоб (умум бухгалтерия ҳисоби).

Шунга мувофиқ иктисодий таҳлилни ҳам икки қисмга, яъни ички ва ташқи таҳлил (молиявий таҳлил)га бўлиш мумкин. Иктисодий ислохотларни амалга оширишдаги йул қўйилган камчиликларни аниқлаш, хужалик механизмидаги номутаносибликнинг олдини олишда таҳлил муҳим роль ўйнайди. Иктисодий таҳлил кенг ва тор маънода бир-биридан тубдан фарқ қилади, яъни ушбу жараёни амалга ошириш усуллари турличадир.

Масалан таҳлилни қуйидаги масштабларда амалга ошириш мумкин: халқ хужалик таҳлили; корхоналар хужалик фаолиятининг таҳлили.

Халқ хужалиги таҳлилида иктисодиётнинг бутун тармоғи, айрим регионларнинг иктисодий курсатқичлари динамикаси, узиш даражаси ва уларнинг ривожланишдаги узишга ҳос хусусиятлари ва қўнуниятлари урганилади.

## 1.2. Бозор иктисодиёти шароитида иктисодий тахлилнинг таркибий қисмлари

Иктисодий тахлилни турли таснифий белгиларга мувофиқ таркибланиши белгиланган. Жумладан; ҳисобни ташкил этилишига мувофиқ, объектига, истеъмолчиларига кура, даврига ва маълумотларни ошқор этилишига кура, ахборот манбалари ва бошқа белгиларига кура таркибланиш мумкин.

Иктисодий тахлилни ҳисобни ташкил этилишига мувофиқ бошқарув ва молиявий тахлилга таркибланиши узига хос аҳамият касб этади. Негаки бу таркибланиш унинг ташкил этилишида муҳим масала ҳисобланади.

Бошқарув тахлили ва молиявий тахлил; улар орасида аниқ чегара мавжудми; улар қандай фарқланади; аниқ таснифий белгилари мавжудми? Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида қатор олимларнинг фикр-мулоҳазаларига таянишни лозим деб топдик.

Чет эл адабиётларини қузатиш натижасида шуни-таъсиқлаш мумкинки, амалиётда бошқарув тахлилини бирлик элементлари ёки хизмат функциялари бошқарув ҳисоби хизматини ичида баъжарилади. Бошқарув тахлили ва бошқарув ҳисоби маълумотларини сир сақланиш қоидаси буни бир қаторда урганишни талаб этади.

1 -чизма

Бошқарув тахлили ва унинг объектлари

Бошқарув тахлили		
Таъминот тахлили	Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархни тахлили	Ишлаб чиқариш ҳажмининг тахлили
Сотишнинг тахлили		Операцион жараёнлар тахлили
Давр харажатларининг тахлили		Молиявий ва фавқулодда харажатлар тахлили
Мехнатнинг тахлили		Моддий ресурсларнинг тахлили

Бошқарув тахлили бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан ички имкониятларни аниқлашнинг аниқ масалаларини ўз ичига олади. Унда қорхонанинг ишлаб чиқариш тижорат фаолияти юзасидан режа топшириқларини баъжарилиши, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни ҳолати ва имкониятлари ҳамда уларни мақсадли бошқаришдаги муҳим йўналишлари белгиланади. Бошқарув тахлили ва унинг объектлари тугрисидаги тулиқ маълумотни қуйидаги чизмадан қуриш мумкин (1-чизмага қаранг).

Бошқарув ва молиявий тахлил юзасидан олимлар уртасида турлича қарашлар мавжуд. Масалан; М. К. Пардаев томонидан бошқарув тахлилига қуйидагича таъриф берилди. "Бошқарув тахлили-қорхона раҳбарияти, эгаси ва мутахассислари томонидан ички имкониятларни ишга солиш ва самарадорликни ошириш мақсадида қилинадиган тахлилдир". "Молиявий тахлил-ҳужалиқ юритувчи субъект молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини урганишга бағишланган тахлилдир".<sup>16</sup> Бошқарув ва молиявий тахлил орасидаги фарқни қуйидаги маълумотлари асосида аниқ тушуниб олиш мумкин (2.-жадвалга қаранг).

2.-жадвал

Бошқарув ва молиявий тахлилнинг фарқланиши

<sup>16</sup> Пардаев М. +. Иқтисодий таҳлил назарияси. Сам.; Зарафшон, 2001 й., 183-бет

Фарклаш белгиси	Бошқарув тахлили	Молиявий тахлил
1. Объекти буйича	Фирма ва компания бошқарувини куйи буЎинларини	Фирма ва компаниянинг молиявий ҳолати
2. Субъекти буйича	Фирма ва компаниянинг уз ходимлари	Фирма ва компанияларнинг ходимлари ҳамда учинчи шахслар(ташки субъектлар)
3.Тартибга солиниши	Фирма ва компаниялар ички Низом, коидалари асосида	Умумий Низом, коида асосида тартибга солинади
4. Мақсади	Фаолиятни куйи буЎинлари самарадорлиги юзасидан ички имкониятларни аниқлаш ва йулга куйишдан	Корхонанинг молия ахволининг иктисодий рейтинги ва уни башоратлаш
5.Маълумот истеъмолчилари	Факат, шу фирма, компания бошқаруви ходимлари, хизматчилари	Фирма ва компанияларни ходимлари ва ташки тахлил субъектлари
6. Усуллари буйича	Иктисодий тахлилнинг оддий ва иктисодий математик усуллари	Оддий, иктисодий математик усуллар ҳамда молиявий тахлилнинг индивидуал усуллари
7. Маълумотларни олиш шакли буйича	Маълумотларни олишни исталган шаклида (оЎзаки, ёзма, ҳисобот шаклида, телефон орқали, маъруза ёки нутқ шаклида ва х.к.)	Молиявий ҳисобот шакллари асосида
8.Тахлил натижаларининг ошқор этилиши	Сир сакланади	Ошқор этилади
9. Мазмуни буйича	Бошқарувни, фаолият, ҳаракатнинг ҳар битта буЎини, ресурсларнинг ҳар битта тури, жараёнларнинг ҳар биттаси буйича маълумотлар билан таъминлаш билан фарқ этади	Бошқарувни, фирма компаниялар фаолияти муайян даврга булган умумлашган маълумотларини тахлил этиш асосида манбалаши билан фарқ этади
10. Вазифалари буйича	Вазифаларни ҳал этилиши факат шу корхона бошқаруви ходимлари учун хизмат килади.	Вазафаларни ҳал этилиши ички, ҳам ташки тахлил субъектлари учун хизмат килади

Молиявий тахлил асосида корхонанинг молиявий ахволидан тула воқиф булинади. Бу эса улар бошқарувида муҳим масала ҳисобланади. Тахлил натижаларидан нафақат ички балки, ташки фойдаланувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Негаки молиявий ҳисобот ва молиявий тахлил натижаларида сир сакланадиган, яъни биривнинг зарари ҳисобига бошқа биривнинг наф қуриши мумкин булган ахборотлар кузатилмайди. Шу сабабли, молиявий тахлилнинг куплаб субъектларини таркиблаш мумкин.

### Хулоса

Иктисодий таҳлил фанини уқитишдан асосий мақсад – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тугри ташкил қилиш ҳамда олинанинг фойда микдорини қупайтиришнинг тугри ва оптимал йулларини аниқлаб беришдан иборатдир.

### **Таянч иборалари**

Ходиса, жараён, бошқарув вазифалари, хўжалик жараёнлари, ишлаб чиқариш, иктисодий ресурслар, хўжалик жараёнлари, бизнес режа, ишлаб чиқариш самарадорлиги, имкониятлар.

### **Назорат саволлари**

1. Иктисодий таҳлилнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Иктисодий таҳлилнинг иктисодиётдаги урни қандай?
3. Иктисодий таҳлилнинг асосий тамойилларига нималар қиради?
4. Иктисодий таҳлилнинг таркибий қисмини айтиб беринг?
5. Бошқарув ва молиявий таҳлилнинг фарқини тушунтириб беринг?

### **Мустақил тадқиқот мавзулари (25000 та мавзу бўйича)**

1. Маҳсулот таннархининг ҳисобини юритиш ва унга таъсир этувчи омилларнинг таҳлили
2. Аудиторлик фирмалари фаолиятининг ҳисоби ва таҳлили
3. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг таҳлили
4. Боғ ва узум маҳсулотларини қайта ишлаш харажатларининг ҳисобини юритиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш
5. Сабзавотларни қайта ишлаш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш
6. Тўқимачилик корхоналарида харажатларнинг ҳисобини ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш

### **Асосий адабиётлар**

1. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. ва бошқалар. «Корхонанинг иктисодий салоҳияти таҳлили» 4-чиқарилиши Т.; Иктисодий ва ҳуқуқ дунёси, 2003 йил.
2. Ахмаджанов И., Рахимов М. Бошқарув таҳлили.–О.: «Иқтисод», 2003.
3. Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Уқув қўлланма.-Т.: ТМИ.2004.
4. Богоров В.В. «Финансовый анализ» учеб. пос. М.: СПб Новгород ПИТЕР 2003.
5. Новодворский В.Д., Сабанин Р.Л. «Бухгалтерский и налоговый учет доходов и расходов: практическое пособие по организации и введению. – М.: СПб, - 2003.
6. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия» учебник 2-е издание – М.: ИНФРА 2003

### **Дарс қилиш жараёнида педагогик технологияларни қўллаш услуби**

<b>Факультет, кафедра, қўлланган бўлими</b>	<b>қўлланган предмети</b>	<b>Мавзунинг қўлланган дастуридаги бўлими</b>
---	---------------------------	---



Факультет: “Бухгалтерия ‘исоби ва аудит” Кафедра: “Бухгалтерия ‘исоби” Бакалавриат	“Молиявий ва бошқарув таҳлили”	1. Маъруза 72 соат 2. Амалий машғулот 72 соат
<b>Сана</b>	<b>Ўқув гуруҳи</b> <b>Талабалар сони</b>	<b>Ўқитувчи:</b> <b>Ф.Абдувахидов</b>
<b>1-Мавзунинг асосий тури:</b> <b>Маъруза шаклида</b>	“Бошқарув таҳлили фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари” (2 соат).	
<b>Маъруза режаси</b>	1. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув таҳлилининг асосий предмети ва вазифалари 2. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисмлари: бошқарув ва молиявий таҳлил	
<b>Асосий тушунча ва терминлар</b>	Бошқарув таҳлили, таъминот таҳлили, таҳлилнинг фарқланиши, таҳлил предмети, таҳлил объекти, таҳлил воситалари, таҳлил манбалари, таҳлилнинг асосий тамойиллари.	
<b>Мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхати</b>	1. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Ҳ. ва бошқалар. “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” 4-чиқарилиши Т.; Иқтисодий ва ўқув дунёси, 2003 йил. 2. Ахмаджанов И., Рахимов М. Бошқарув таҳлили.– Т.: «Ўқув», 2003. 3. Рахимов М.Ю. Молиявий таҳлил. Уқув қўлланма.-Т.: ТМИ.2004. 4. Атажанов И.Х. Чет эл валютасига олинган материаллар ‘исоби ва таҳлили. –Т.: ТДИУ. Маг. диссертацияси. 2005. 1,3-параграфи 5. Богоров В.В. “Финансовый анализ” учеб. пос. М.: СПБ Новгород ПИТЕР 2003. 6. Вахрушина М.А. “Бухгалтерский управленческий учет” учебник 2-изд. – М.: Омега – Л : выш. шк.. 2003. 7. Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил фани бўйича масалалар тўплами. ТДИУ 2003. 8. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятия” учебник 2-е издание – М.: ИНФРА 2003 9. <a href="http://www.taxsites.com/">http://www. tax sites. com/</a>	
<b>Мақсад;</b>	Мавзунинг мазмуни ва моҳиятини талабаларга оддий ва раво тилда очиқ бериш	
<b>Педагогик вазифалар:</b> Талабаларга ақлий ўзгариш ва интеллектив усулни қўллаш асосида ўқитувчиларни етказиш: • бошқарув таҳлилининг предмети ва вазифаларини; • бошқарув таҳлилининг ташкил қилишининг	<b>Ўқув фаолиятининг натижаси:</b> Мавзунинг асосий мазмуни талабалар ўқитувчиларни қўллашга эга бўлади: Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлил фани асосининг зарурлигини; Иқтисодий таҳлилнинг предмети ва вазифаларини аниқ қўллашга эришилди; Иқтисодий таҳлил тамойилларининг бир-бири билан боғлиқлигини; Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлиши бошқарув ва	

асосий тамойилларини; <ul style="list-style-type: none"> <li>• бошқарув таълиқининг назарий ва услубий асосларини;</li> <li>• ишлаб чиқариш омилларига баъо бериш ва таълиқ қилишнинг асосий концепцияларини ва бошқалар.</li> </ul>	молиявий таълиқнинг таркиби ҳамда уларнинг бир-бирдан фарқини ажрата билишни; Иқтисодий таълиқ фанини ривожлантиришда иқтисодчи олимларнинг таъқиёт ишлари натижаларини оқлаштириш ва бошқалар.
<b>Ўқитиш воситаси</b>	1. Компьютер технологиялари асосида презентация материалларини оқлаш 2. Тарқатма материаллар 3. Диапроектор 4. Кўргазма материаллар 5. Слайдалар (1-иловага қаранг)
<b>Ўқитиш шартлари</b>	Компьютер техногик воситалари билан жиъозланган аудитория, махсус кабинетлар

“Бошқарув таълиқ фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари” мавзуси бўйича маъруза машъулотининг техногик картаси (2 соат)

Техногик босқичлар	Фаолиятнинг асосий мазмуни	
	Ўқитаётган	Ўқитилаётган
I. Мотивация босқич (10 мин)	Маъруза машъулотини оқиш жараёнида асосий саволларни, таянч иборалар терминларни ва режалаштирилган масалаларни оқратишнинг якуний натижалари бўйича тушунчалар бериш.	Тингловчи
II Ахборот билан таяминлаш босқичи (60 мин)	2.1 Топшириқни эслатиш: “Бошқарув таълиқ фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари” мавзусини Инсерт усулида мустақил оқиш. 2.2. Талабаларни тахминан уч гуруҳга ажратилади. Эълон қилинган ҳар бир савол натижаларини оқаро баъолаш бўйича алоҳида “Эксперт” гуруҳи тузилади ва улар бир-бирини мустақил баъолайди. 2.3. Белгиланган муддатдан сўнг оқитувчи ҳар бир гуруҳнинг бошлиқини таклиф этади: 1-гуруҳ бошлиқини. Бошқарув таълиқининг предмети ва асосий вазифалари 2-гуруҳ бошлиқини. Бошқарув таълиқини оқказишнинг асосий	Талабалар 7-8 кишидан иборат уч гуруҳга бўлинади. Гуруҳнинг иш фаолияти: гуруҳ ёки кичик гуруҳларга ажралиб саволларга жавоб тайёрлайди ва жавоблар умумий муҳокама қилинади. ҳамда кўргазмали материаллар расмийлаштирилади. Бу материаллар схематик ёки жадвал шаклида бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳ бошлиқини: - кўргазмали материаллар асосида оқлаштирган билимларини; - саволларга жавобларини; - билдирилган жавобларга ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришади

	тамойиллари 3-гуру  бошли и. Ифтиходий та лилининг таркибий қисмлари: бошқарув ва молиявий та лил 2.4. Ёситувчи  ар бир гуру  бошлиқларининг жавобларини ба олайди ва талабаларнинг ушбу мавзунини оқлаштириш  олати б йича қ шимча саволлар берадидентов на главном.	
III Якуний босқич (20 мин)	3.1. талабаларнинг диққатини бир жойга жалб этиб, мавзу б йича якуний хулоса қилинади. 3.2. Иштирок этган гуру ларнинг озаро ба оларини эълон қилинади ва натижалари б йича изо  берилади. Келгусида профессионал фаолиятга интилишларига омад тилайди. С нг кейинги маъруза маш улотнинг мавзусини ва муста ил бажариладиган масалаларни Инсерт усулида айтиб отади  амда отилган ушбу мавзуга оид муаммоли масалаларни беради	Гуру  ортасидаги озаро ба олар и индиси эълон қилинади. С нг талабалар уй вазифасини ёзиб олишади.

## 1-Илова

### 1-Мавзу: Бошқарув тахлили фанининг мазмуни ва вазифалари

Фарқлаш белгиси	Бошқарув тахлили	Молиявий тахлил
1. Объекти буйича	Фирма ва компания бошқарувини куйи бу инларини	Фирма ва компаниянинг молиявий ҳолати
2. Субъекти буйича	Фирма ва компаниянинг уз ходимлари	Фирма ва компанияларнинг ходимлари ҳамда учинчи шахслар(ташки субъектлар)
3.Тартибга солиниши	Фирма ва компаниялар ички Низом, коидалари асосида	Умумий Низом, коида асосида тартибга солинади

4. Мақсади	Фаолиятни куйи буЁинлари самарадорлиги юзасидан ички имкониятларни аниклаш ва йулга куйишдан	Корхонанинг молия ахволининг ктисодий рейта ва уни башоратлашдан
5. Маълумот истеъмолчилари	Факат, шу фирма, компания бошқаруви ходимлари, хизматчилари	Фирма ва компанияларни ходимлари ва ташки тахлил субъектлари
6. Усуллари буйича	Иктисодий тахлилнинг оддий ва иктисодий математик усуллари	Оддий, иктисодий математик усуллар ҳамда молиявий тахлилнинг индивидуал Усуллари
7. Маълумотларни олиш шакли буйича	Маълумотларни олишни исталган шаклида (оЁзаки, ёзма, хисобот шаклида, телефон оркали, маъруза ёки нутк шаклида ва х.к.)	Молиявий хисобот шакллари асосида
8. Тахлил натижаларининг ошкор этилиши	Сир сакланади	Ошкор этилади
9. Мазмуни буйича	Бошқарувни, фаолият, харакатнинг хар битта буЁини, ресурсларнинг хар битта тури, жараёнларнинг хар биттаси буйича маълумотлар билан таъминлаш билан фарк этади	Бошқарувни, фирма компаниялар фаолияти муайян даврга булган умумлашган маълумотларини тахлил этиш асосида манбалаши билан фарк этади
10. Вазифа-лари буйича	Вазифаларни хал этилиши факат шу корхона бошқаруви ходимлари учун хизмат килади.	Вазафаларни хал этилиши ички, хам ташки тахлил субъектлари учун хизмат килади

1-слайд. Бошқарув ва молиявий тахлилнинг бир-биридан фаркланиши

## 2- Мавзу: Иктисодий тахлил фанининг предмети ва усуллари

### Режа:

- 2.1. Иктисодий тахлилнинг предмети ва унинг бошка фанлар билан алоқаси
- 2.2. Иктисодий тахлил фанининг (методи) усули ва унда кулланиладиган усуллар

### 2.1. Иктисодий тахлилнинг предмети ва унинг бошка фанлар билан алоқаси

Хар кандай мустакил фан узининг предметиға эға. Иктисодий тахлил фанининг предметиға кенг маънода карайдиган булсак, у иктисодий фан сифатида тахлил килинаётган объектларни уз ичига олади. Лекин хар бир иктисодий фан узига хос хусусиятга, узиди урганадиган предметга эға. Бу факат шу фанга хос булиб, имкони борича бошка фанларда такрорланмаслиги лозим. Бу талаб шу фаннинг мустакил фан сифатида фаолият курсатиши учун асосий шартлардан бири хисобланади.

Хужалик фаолияти тахлили фанининг предмети том маънода тахлил килинаётган объектнинг хужалик фаолиятидир. Аммо бухгалтерия хисоби, статистика, молия ва кредит, аудит, маркетинг, менежмент каби фанларнинг хам предмети кенг маънода хужалик фаолиятидир.

Тахлил фани хужалик фаолиятида содир булаётган барча ижтимоий-иктисодий жараёнларни уз ичига олади. Аммо бу жараёнларнинг содир булиш пайтини эмас, балки унинг натижасини урганади. Объектда содир буладиган иктисодий жараёнлар унинг бизнес режасида кузда тутилган маълумотга асосланса, жараённинг содир булишини конуний жихатдан хужжатлаштириш билан бухгалтерия хисоби, статистика каби фанлар шугулланади. Шу жараёнларнинг натижаси маълум даврларда жамланиб борилади ва турли хисоботларда уз аксини топади. Тахлил эса, айнан ана шу тузилган хисоботларга, жамланган хужжатларга асосланади.

Шундай килиб, иктисодий тахлил фанининг предмети деб- хужалик фаолиятида объектив (ташки) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир булган, булаётган ва буладиган ижтимоий-иктисодий жараёнларни маълумотлар манбаида ифодаланган курсаткичлар тизими оркали унинг холатиға баҳо бериш ва яхшилаш йулларини ишлаб чиқишни урганишдан иборатдир.

Тахлилнинг предметида объектив ва субъектив омиллар алоҳида урин тутуди, чунки иктисодий жараёнлар уз-узидан содир булмайди. Улар маълум ички ва ташки омиллар таъсири остида руй беради. Шу омиллар таъсирини бошка фанлар ургатмайди. Бу факат тахлил фанида урганилади ва унинг предметининг асосини ташкил килади. Шунингдек, хужалик фаолияти натижасиға тугри баҳо бермасдан, унга таъсир килган ижобий ва салбий омилларни урганмасдан туриб кузда тутилган максадға эришиб булмайди. Шу туйфайли тахлил фани предметининг марказида объектив ва субъектив омилларни урганиш лозимлиги кайд килиниши бежиз эмас.

Тахлил килишдан максад мавжуд натижаға одилона баҳо бериш билан бирға йул куйилган камчиликларни келгусида бартараф килиш ва шу оркали тахлил килинаётган объектнинг иктисодий ва молиявий ахволини яхшилашдан иборатдир. Бу эса содир булган ва булаётган жараёнларға тугри баҳо бериб, буладиган жараён андозасини хам чизиб беришни такозо килади. Барча ижтимоий-иктисодий жараёнлар натижаси курсаткичларда ифодаланади. Курсаткичлар эса, маълумотлар манбаида (режа, меъёр ва хисобот) уз аксини топади.

Бугунги кунда тахлил предмети хусусида иктисодчи олим ва мутахассислар уртасидаги фикрларни куйидаги уч гуруҳға булиш мумкин:


И. М.З. Рубиков, П.И. Савичев, М.Ф. Дъячковлар "... корхона фаолиятидаги хужалик жараёни тахлил предметини ташкил этади", деган фикрдалар.

П. И.И. Поклад, Н.В. Денбинский ва бошкалар "... корхона, бирлашма ва юкори ташкилот хужалик фаолияти тахлил предметини ташкил килади", деган фикр тарафдорларидир.

III. E.B. Долгополов, Г.В. Савицкая ва бошкалар "... ишлаб чикариш ва таксимотдаги ишлаб чикариш муносабатлари ва ресурсларидан самарали фойдаланиш тахлил предметиدير", деб тушунтирмакдалар.

Ривожланишнинг хар бир боскичда энг долзарб булган масалалар хар бир фаннинг олдига куйиладиган вазифа ва муаммолар маълум фаннинг предмети хусусида билдирилган таърифда уз аксини топиш керак. Шу нуктаи назардан бозор иктисоди шароитида энг долзарб масала бу ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш ва унинг натижасида юкори фойда ва рентабеллика эришиш энг мухим вазифа хисобланади.

Иктисодий тахлил мустакил фан. Лекин у бошка иктисодий фанлар замирида вужудга келди ва уларнинг купларига нисбатан янги (3-чизмага қаранг).



3-чизма. Иктисодий тахлил фанининг бошка фанлар билан алокадорлиги таснифи

Шунга карамай, мустакилликдан кейин иктисодий тахлил фани мазмуни ва таркиби жихатидан тубдан узгарган. Олдин, режали иктисодиёт шароитида барча фанлар сингари иктисодий тахлил фани хам режанинг бажарилишини назорат килиш, унга таъсир этувчи омилларни аниклаш, юкоридан кур-курона туширилган, режани асослашга каратилган эди.

Энди иктисодий тахлил хакикатда хужалик юритувчи субъектлар, мулк ва иш эгаларига хизмат киладиган булди. Олдин корхона хужалик фаолияти юкори ташкилот ва давлат нуктаи назаридан тахлил килинган булса, энди бевосита шу корхона, унинг меҳнат жамоаси ва мулк эгалари нуктаи назардан тахлил килинадиган булди. Бирок барча холда хам

давлатнинг манфаати ҳисобга олинади. Чунки корхона билан давлат уртасидаги алоқа олдин маъмурий буйруқбозликка асосланган бўлса, энди эркин узаро манфаатли иқтисодий муносабатларга асосланади.

Иқтисодий жараёнлар ва муносабатлардаги бундай узгаришлар ҳар бир фан ва иқтисодий механизмлар мазмунини сифат жиҳатидан янгилашни, тубдан қайта қуриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бироқ шундай мураккаб даврда жуда қўп фанлар уз заруриятини йўқотади ва барҳам топади. Масалан, халқ хужалигини режалаштириш асослари, корхона иқтисодий (режага асосланган иқтисод) ва х.к. аммо бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлил фанининг аҳамияти янада ошади. У корхона раҳбари учун хужалиқни бошқаришда асосий дастак сифатида намоён бўлмоқда.

Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлил фани бошқа фанлар билан узвий алоқада бўлиши билан бирга улар уртасида узига хос уринга ҳам эга. Шунини эътироф этиш керакки, ушбу фан фақат иқтисодий фанлар билан эмас, балки иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Буларнинг таснифи 3-қизмада келтирилган

## **2.2. Иқтисодий таҳлил фанининг (методи) усули ва унда кулланиладиган усуллар**

Метод (метод- кейинги уринларда усул деб юритамиз) қадимги грек тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўладиган ҳодисаларни, жараёнларни урганиш ва билиш усулидир. Табиат ва жамиятда содир бўладиган ҳодиса ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва алоқадордир.

Таҳлил фани усулига таъриф бериш бўйича олимлар бир қанча гуруҳларга бўлинадилар. Баъзи олимлар иқтисодий таҳлил усулини тадбиқ қилиб, ишлаб чиқариш кучларининг ишлаб чиқариш муносабатларига тугри қелиши ва усулларнинг тизими деб қарайдилар.

Е.В. Долгополов «Иқтисодий таҳлил усули бу иқтисодиётнинг динамик усишини, ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқариш кучлари билан узвий бирликда, уларнинг тенденция ва қонуниятларини, омил ва резервларини узлуксиз ва комплекс тадбиқ қилиш усуллари тизими ва тамойилидир» деб қурсатади. Бу таърифда иқтисодий таҳлилнинг узига хос хусусиятлари очилмасдан қолган.

Н.Р. Вейцман хужалиқ фаолияти таҳлили усулининг элементлари қаторига қуйидагиларни:

- ҳисоб маълумотларини уқиш;
- ушбу маълумотлардан қорхонанинг ва ташқи боғлиқларни очиш учун комплекс фойдаланиш;
- ушбу боғланишларни урганиш;
- таҳлилга жалб қилинган маълумотларни уқиш, улчаш ва боғлиқлигини аниқлаш жараёнида рақамларини солиштириш қабиларни қиритади. Булар таҳлил усулининг энг муҳим қирралари. Лекин унинг усулларини тулик ифода этмайди.

С.К. Татур ҳам фаннинг усулини бир қанча усуллар йигиндисидан иборат деб ҳисоблайди «таҳлилда қуйидаги усуллардан, яъни иқтисодий ҳодисаларни улчайдиган, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлайдиган, шу омиллар таъсирини ҳисоблайдиган, омиллар уртасидаги боғлиқликларни аниқлайдиган ва уларни улчайдиган усуллар»дан фойдаланади.

Хусусан, В.И. Ганштак таҳлилнинг усулларига қуйидагиларни қиритиш лозим деб ҳисоблайди: «солиштириш, қурсатқичларни қетма-қет равишда жойлаштириш, гуруҳлаш, қурсатқичларни ташқи омиллар таъсиридан тозалаш, мувозанат ва индекс усуллари».

И.Л. Батухтин эса, хужалиқ фаолияти таҳлили усулини икки гуруҳга бўлади:

- умимий диалектик усул
- алоҳида усул.

Бунда тахлилда кулланиладиган усуллар руйхатини келтиради: «Солиштириш усули, дедукция, индукция, булакларга булиш, умумийлаштириш, хисоб-китоб, шахсий кузатиш, тажриба-намуна, математик, чизикли ва мувозанат усуллари». Бирок бу усуллар И.Л.Батухтиннинг тахлил фанининг усули, деб хисоблаган усуллар руйхатига кирмасдан колган. Аммо унинг китобида узи эътироф этмасада, биз таъкидлаган усуллардан кенг фойдаланилган.

М.И.Баканов «Хужалик жараёнларининг шаклланиши ва тараккиётини урганишга диалектик ёндошиш усули иктисодий тахлилнинг усулидир», деб таъкидлайди. Худди шундай фикрни А.Д.Шеремет, О.Р.Кмицкевич ва И.И. Каракоз каби олимлар ҳам куллашган.

Бир гурух муаллифлар Е.П.Жарковская, К.Г.Романова ва С.С. Романовалар хужалик фаолияти тахлили фанини иктисодий фан сифатида караб, унинг усулининг назарий асоси диалектик материализм билан биргаликда сиёсий иктисод фани ҳам деб уктирадилар. Уларнинг таъкидлашича « Хужалик фаолияти тахлили усулининг илмий асоси диалектик материализм ва сиёсий иктисоддир». Бу фикрни ойдинлаштириш мақсадида куйидагиларни ёзадалар: «Иктисодий тахлил ходисаларнинг умумий курсаткичларини алохида қисмларга булиш (тахлил) ва ходисаларнинг алохида омилларини умумлаштириш (синтез) йули билан узаро боғлиқликда урганиладиган диалектик усулга асосланади». Шундай таърифни Д.И. Деркач ҳам куллайди.

И.И.Поклад «Иктисодий тахлил усули корхона хужалик фаолиятида ёки уларнинг юкори бугинларида курсаткичлар режаси бажарилишини бир бутун ва алохида қисмлари буйича солиштириш, режа бажарилиши курсаткичлари даражасига таъсир этувчи омилларни, ички резервлар микдорини аниқлаш ва тахлил натижасини умумлаштиришни комплекс, узаро боғлиқ равишда урганишга айтилади» деб таъриф бердилар.

П.И.Савичевнинг айтишича «Корхона иши иктисодий тахлил усули унинг аниқ вазифаларидан келиб чиқадиган ва халқ хужалигининг алохида тармоқлари хусусиятларини узида ифодалайдиган усуллардир». Ушбу қоидада тахлил усули унинг вазифаларига буйсиндирилади. Бирок хар кандай фаннинг усули унинг предметини урганишга қаратилмоғи лозим. Жумладан, П.И.Савичев фаннинг предметидан анча узоклашганлигини кураимиз.

Бу борада В.А. Раевский анча тугри ёндошган. «Корхонанинг молия хужалик фаолиятини урганиш усулини тахил қилиш усули, деб тушинилади, Молия хужалик фаолияти тахлили усули диалектик назариясига асосланиб, корхонанинг фаолиятини узаро боғлиқликда урганишдир» деб қусатади. У фақат «микдор» ва «сифат» курсаткичлари билан чегараланиб қолади. Булардан ташқари уртача, нисбий, режа, меъёр каби курсаткичлар ҳам мавжуд. Бу борада В.И.Самборский «Корхоналар иши иктисодий асослаш мақсадида улар фаолиятини курсаткичлар тизими орқали урганиш учун кулланиладиган усул ва услубиятлар мажмуидир». Ҳақиқатда бу қоидада курсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Л.И.Кравченко тахлил усулига « Хужалик фаолияти тахлили усули-иктисодий жараёнларни тадбиқ қилишга диалектик ёндошиш, иш натижаларини объектив баҳолаш, хужалик юриштишнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, иктисодиётни оптимал равишда бошқариш қарорларини қабул қилиш учун тегишли маълумотлар етказиб бериш мақсадида корхона, унинг булимлари ва бирлашмаларининг ижтимоий, иктисодий ва узга фаолиятларини бир-бирига боғлиқ ҳолда тизимли равишда, комплекс урганишдир» деб таъриф беради. Бунда корхоналарнинг мулк шакли. Режа бажарилиши ва назорат қилиниши каби масалалар ифода этилмаган.

Бозор иктисодиёти шаклланаётган бир пайтда тахлил усулининг шундай қоидаси яратиш лозимки, у объектнинг ёки тузумнинг узгариши билан узгармайдиган булсин, чунки хар кандай фан, хусусан тахлил фани ҳам назарий жиҳатдан асосланган усулга эга булиши лозим.

Бундан келиб чиқиб, куйидаги фикрларни киритиш мумкин:



- хар кандай фан усулининг назарий асоси булиши керак;
- унда нимани урганиш ва унинг каерда ифодаланиши куриниб турмоги лозим;
- каерни, кайси объектни ва кайси даврни уз ичига олишиги ифодаланиши даркор;
- нима мақсадда амалга оширилиши куриниб туриши керак;
- шу мақсадни амалга ошириш учун нималар килиниши алохида таъкидланиши лозим.

Бу назарий хулосалардан келиб чикиб, тахлил фанининг усулига куйидагича таъриф берамиз: Иктисодий тахлилнинг усули деб,- диалектик усулга асосланган булиб, унинг предметини макон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган курсаткичлар тизими асосида хар томонлама комплекс урганиш, мавжуд ички ва ташки имкониятларни аниклаш, объектнинг самарадорлигини ошириш, унинг иктисодий кудратини юксалтириш, молиявий баркарорлигини таъминлаш, бошкаришни такомиллаштириш мақсадида кулланиладиган усуллар мажмуидан иборатдир.

Иктисодий тахлил усулининг узига хос хусусиятлари хам мавжуд булиб, улар куйидагилардан иборатдир: корхона хужалик фаолиятини ифодалашда курсаткичлар тизимидан фойдаланиш; курсаткичлар тизими ва улар буйича маълумотларнинг узгариш сабабини урганиш; узгариш сабабларини, уларнинг бир-бири билан узвий богликлиги хамда ижтимоий иктисодий самарадорликка таъсирини аниклаш.

Иктисодий тахлилнинг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборатдир:

биринчи хусусият - бу хужалик жараёни ва вокийликни курсаткичлар тизимини тузиш оркали иктисодий ахборот манбаини шакллантириш;

иккинчи хусусияти - корхона хужалик фаолиятидаги курсаткичлар узгариши сабабларини урганиш ва уларга таъсир этувчи омиллар ичида энг асосийсини аниклаш хамда унинг таъсирини микдор жихатдан хисоблашдан иборат;


учинчи хусусияти - курсаткичларнинг бир-бири билан узвий богликлигини аниклаш ва хисоблашдан иборатдир.

Хужалик фаолиятини тахлил этишда купгина усулдан фойдаланилади. Бу усулларни умумий равишда куйидаги икки гурухга ажратиш мумкин: анъанавий усул; иктисодий математик усул; (4-чизмага каранг).

Анъанавий усул – энг кадимги усуллар булиб, улар тахлил вужудга келган кундан бошлаб кулланиб келинаётган усуллардир. Буларга куйидагиларни: таккослаш, кайта хисоблаш, баланс усули, гурухларга ажратиш, занжирли богланиш, индекс усули, мутлок, нисбий ва уртача микдор курсаткичлари киритиш мумкин.

Математик усуллар- тахлил фанининг такомиллашуви билан, унга ЭХМларни куллаш ва математик усуллардан фойдаланиш жараёнида кириб келган. Бунинг талай усуллари билан бирга бир канча типлари хам мавжуд. Булар: мультипликатив модель, аддитив модель, касрли модель, узайтириш, кенгайтириш, кискартириш кабилардир.

Тахлилда энг куп кулланиладиган усул бу таккослаш усули булиб, куйидаги шакллари мавжуд: хакикий курсаткични бизнес режа билан таккослаш; утган йилдагиси билан таккослаш; уртача курсаткич билан таккослаш; илгор корхона курсаткичлари билан таккослаш.





4-чизма. Таҳлилнинг усуллари

Гуруҳларга ажратиш - урганилаётган ходисани бир хил аломатига қараб таркибий қисмга ажратиш тушунилади. Гуруҳларга ажратиш таҳлилнинг муҳим усулидир. Бирон бир натижага таъсир этувчи омил бир қанча бўлса, улардан энг асосийсини аниқлашда ҳам шу усулдан фойдаланилади.

Баланс усули - бу бир-бири билан боғлиқлик бир қанча микдорнинг мувозанатига ишонч ҳосил қилиш ёки бир неча маълум омил ёрдамида ноъмалум омилнинг таъсирини аниқлаш зарур бўлган ҳолда қулланилади.

$$З.б. + КТ = Т + Хч + З.о.х$$

Бунда Зо.б.- Товар захираси ҳисобот йили бошига қолдиғи:

КТ- келиб тушган товарнинг ҳисобот йилидаги ҳажми:

Т-товар обороти:

Хч- товарларнинг чиқиб кетиши:

Зо.х.- товар захираларининг ҳисобот йили охиридаги қолдиғи.

Омиллар таъсирини аниқлашда эса:

$$Т = Т_{з.б.} + Т_{к.т} + Т_{х.ч} + Т_{з.о.х}$$

Занжирли боғланиш усули - ишнинг натижаси узгаришига ўрта ва ундан қўп омиллар таъсир қилса, улар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлса, ушбу усулдан фойдаланилади. Масалан товар обороти (Т) узгариши ходимларнинг рўйхатдаги сони (Х), уларнинг ўртача иш қўнлари (К) ва бир қўнлик меҳнат унумдорлиги (М) курсаткичлари билан функционал боғлиқдир. Бу қўйидаги формула билан ифодаланади:

$$Т = Х \times К \times М$$

1-жадвал

Маҳсулот ҳажмининг бизнес режага нисбатан узгаришига ишчилар сони ва маҳсулот унумдорлиги таъсири таҳлили

Курсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Режадан фарқи
1.Маҳсулот ҳажми (минг сум)	220388	254550	+34162
2.Ишчилар сони.	649	601	-48

3.Бир ишчига тугри келадиган махсулот (минг сум) (1с:2с)	339,58	423,54	+83,96
--	--------	--------	--------

1-Жадвал маълумотларидан шундай хулоса килиш мумкинки, махсулот хажми режага нисбатан 34162 минг сумга ошган, ишчилар сони эса 48 кишига кискарган, 1 ишчига тугри келадиган махсулот режага нисбатан 83,96 минг сумга ортган. Махсулот хажмини режага нисбатан узгаришига таъсир килувчи омилларни куйидаги занжирли богланиш усуллари оркали аниклаймиз.

Махсулот хажмини режага нисбатан узгаришига таъсир килувчи омиллар тахлили

2-жадвал

Алмашув даврийлиги	Таъсир этувчи омиллар		Махсулот хажми (минг сум)	Фарки (+;-)	Узгариш сабаблари
	Ишчилар сони	1 ишчига тугри келадиган махсулот.			
А	1	2	3 (1 x 2)	4	5
Биринчи	режа 649	Режа 339,58	режа 220388	-	-
Иккинчи	хакикий 601	режа 339,58	режа 204088	-16300	Ишчилар сонининг камайиши
Учинчи	хакикий 601	хакикий 423,54	хакикий 254550	+50462	Мехнат унумдор-лигининг ортиши

Текшириш:  $-16300 = 50462 + 34162$  минг сум.

Амалда хар икки омил таъсирининг фаркини ушбу усул оркали аниклаш мумкин. Бу усулга мувофик бирон бир натижага таъсир этувчи омиллар иккита булса, уларнинг бири микдор омили, иккинчиси эса, сифат омили хисобланади.

Микдор омилининг таъсирини аниклаш учун ушбу микдор хакикий курсаткичнинг режадан фарки режадаги сифат омилига купайтирилади. Сифат омилининг таъсирини аниклаш учун шу курсаткичнинг режадан фарки хакикий микдор омилига купайтирилади.

1. Ишчи сонини узгариши (микдор)  $-48 \times 339,58 = -16300$  минг сум.
2. Бир ишчига тугри келадиган махсулот (сифат омили)  $+ 83,96 \times 601 = +50462$  минг сум.

Текшириш:  $-16300 + 50462 = 34162$  минг сум.

Интеграл усул – бу усул бир томондан анъанавий усулларга, иккинчидан эса, математик усулга мансуб такомиллашган усулдир. Натижа курсаткичларига алохида омиллар таъсирини интеграл усули билан аниклаш, фарклаш, занжирли алмаштириш каби усулларнинг такомиллашган шаклидир.

Интеграл усулнинг ижобий томони шундаки, агарда занжирли богланиш ёки фарклаш усулларида омиллар кетма-кетлиги узгарса, уларнинг натижа узгаришига таъсири хар хил булади. Бу усулда у ёки бу омилнинг таъсирини хисоблашда кетма-кетликка риоя килиш талаб этилмайди. Омилларнинг кетма-кетлиги узгаришидан каътий назар, улар таъсири хамиша бир хил, энг мухими тугри топилади.

Асосий ишлаб чикариш фонди ва фонд кайтимини узгаришини махсулот хажмига таъсирини интеграл усул оркали аниклаймиз (3-жадвалга қаранг).

Асосий ишлаб чикариш фонди ва фонд кайтимини узгаришини махсулот хажмига таъсири тахлили

3-жадвал

№	Курсаткичлар	Шартли белги	Утган йили (y)	Хисобот йили (x)	Фарки (К,-) Δ	Утган йилга нисбатан
1	Махсулот хажми (минг сум)	М	209252	220388	+11136	105,3
2	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг урғача қиймати	АФ	162285	178110	+15815	109,75
3	Фонд қайтими (сумда) (1с:2с)	ФК	1,289	1,237	-0,052	96,0

3-жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, махсулот хажми утган йилга нисбатан 11136 минг сумга қупайган.

### Хулоса

Иқтисодий таҳлил орқали корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти аниқланади. Хужалик фаолиятини таҳлил қилишдан мақсад корхона ва бирлашмаларнинг иш фаолиятига объектив баҳо бериш ва хужалик юриштишнинг самарадорлигини янада оширишдан иборатдир.

### Таянч иборалари

Ходиса, жараён, бошқарув вазифалари, хужалик жараёнлари, ишлаб чиқариш, иқтисодий ресурслар, хужалик жараёнлари, бизнес режа, ишлаб чиқариш самарадорлиги, имкониятлар.

Урганиш, урганишга ёндашиш, курсаткичлар, узвий боғланиш, хужалик жараёнлари, такқослаш, муток ва нисбий курсаткичлар, гуруҳларга ажратиш, баланс усули.

### Назорат саволлари

Иқтисодий таҳлилнинг моҳияти нимадан иборат?

Иқтисодий таҳлил предмети нима?

Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларига нималар қиради?

Анъанавий усуллар қачон қулланилади?

Математик усулларни қуллашдан мақсад нима?

### Мустақил тадқиқот мавзулари (25000 та мавзу бўйича)

1. Ёсимликчиликда харажатларнинг ҳисобини юритиш ва махсулот таннархини калькуляция қилиш
2. Чорвачиликда харажатларни ҳисобини юритиш ва махсулот таннархини калькуляция қилиш
3. Ёғ-мой ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ва махсулот таннархини аниқлаш
4. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларининг ҳисоби ва таҳлили
5. Махсулот таннархининг ҳисобини юритиш ва унга таъсир этувчи омилларнинг таҳлили
6. Аудиторлик фирмалари фаолиятининг ҳисоби ва таҳлили

### Асосий адабиётлар

1. Ахмаджанов И., Рахимов М. Бошқарув таҳлили. –Ў.: «Ўқув», 2003.
2. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. «Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили» 4-чиқарилиши Т.; Иқтисодий ваҳуқуқ дунёси, 2003 йил.

3. Богоров В.В. «Финансовый анализ» учеб. пос. М.: СПб Новгород ПИТЕР 2003.
4. Напетова И.А. Анализ финансово хозяйственной деятельности. Учеб. Метод. Пособ. - М.: Форум-Инфра-м, 2004
5. Новодворский В.Д., Сабанин Р.Л. «Бухгалтерский и налоговый учет доходов и расходов: практическое пособие по организации и введению. – М.: СПб, - 2003.
6. Палий В. Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник М.: Инфра -М.: 2004
7. Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия» учебник 2-е издание – М.: ИНФРА 2003
8. Шремет А.Д., Негамев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организациях. - М.: ИНФРА-М. 2004

#### Интернет маълумотлари

1. [http:// www. mkdgaap. narod. ru](http://www.mkdgaap.narod.ru)
2. [http:// www. konto. ru](http://www.konto.ru)
3. [http:// www. referat. ru](http://www.referat.ru)
4. [http:// www. access-accounts. com](http://www.access-accounts.com)
5. [http:// www. accounting. megareferats. ru](http://www.accounting.megareferats.ru)
6. [http:// www. bankreferatov. ru](http://www.bankreferatov.ru)









οάϋϋίηεαίεά εϖδ̄ηαοέε-εαδ̄ίε ϖϑ̄ααδ̄εοε ίοοειϋ̄ ᾱα ίεη̄αεέ (οίεϑ)εαδ̄αα αίεϋεαίεοε είϑει. Ιᾱη̄οείο η̄αείε (εο,δ̄εϑίαο) ίε ϖο̄ααί εέεεαδ̄αα ίεη̄ααοαί ϖ̄η̄εο η̄οδ̄υαοεαδ̄ε αέδ̄ οέε η̄ίεεοοεδ̄ία οεᾱοδ̄αε ᾱᾱη̄αα αίεϋεαίαε. Αίεεᾱαε οεᾱοδ̄αε ᾱᾱη̄αα εδ̄ίη̄αεαίη̄ααί ιᾱη̄οείο η̄αείε (εο, δ̄εϑίαο)ίε η̄ίεεοοεδ̄ία ᾱᾱη̄ααε̄η̄ε αέεαί οάϋϋίηεαο ίδ̄υαεε ᾱᾱη̄είη̄α ϖϑ̄ααδ̄εοείε ιᾱη̄οείο η̄αείεαα οαύη̄εδ̄ε αίεϋεαίαε (7-жадвалга каранг).

7 -жадвал

Ιᾱη̄οείο εοεᾱα ϖ̄εϋαδ̄εο δ̄αᾱη̄είε ᾱαᾱδ̄εεεοε ᾱα αείη̄αεε̄η̄είε οᾱεεε

Εϖδ̄ηαοέε-εαδ̄	ϖο̄ααί έεε	η̄ε̄η̄αίο εέεε		Οαδ̄ϋε (+,-)			
		Δ̄αᾱα	η̄αϋεϋαο	Δ̄αᾱαααί		ϖο̄ααί εέεααί	
				ι.η̄οι	%	ι.η̄οι	%
2	3	4	5	6	7	8	
Ιᾱη̄οείο η̄αείε (εο, δ̄εϑίαο) οεᾱοδ̄αε ᾱᾱη̄αα							
Η̄ίεεοοεδ̄ία ᾱᾱη̄	209352	220388	254550	+34162	+15.5	+45198	+21.59
Αίεεᾱαε ᾱᾱη̄αα	229243	237940	272388	+34448	+14.4	+43145	+18.82

Είδοη̄α ιᾱη̄οείο εοεᾱα ϖ̄εϋαδ̄εο δ̄αᾱη̄είε η̄ίεεοοεδ̄ία ᾱᾱη̄αα ίδ̄οε̄Εε αέεαί ααί ϋοααί. Ιᾱη̄οείο η̄αείε ϖο̄ααί εέεεα ίεη̄ααοαί η̄αί ϖ̄η̄ααί. Δ̄αᾱαα ίεη̄ααοαί η̄ίεεοοεδ̄ία ᾱᾱη̄αα ιᾱη̄οείο 34162 ίεη̄α η̄οη̄αα εέε 15,5 οίεϑ̄αα ίδ̄οααί. ϖο̄ααί εέεεα ίεη̄ααοαί ϖ̄η̄εο 45198 ίεη̄α η̄οη̄ε εέε 21,59 οίεϑ̄είε οᾱοεεε ϋοααί. Είδοη̄αααε αίεεᾱαε ᾱᾱη̄ η̄ίεεοοεδ̄ία ᾱᾱη̄αα ίεη̄ααοαί η̄ϋίδ̄ε αϖεααί, ϖο̄ααί εέεεα ίεη̄ααοαί ϖ̄η̄εο η̄αείε 18,82 οίεϑ̄είε οᾱοεεε ϋοααί. Ιᾱη̄οείο εοεᾱα ϖ̄εϋαδ̄εο δ̄αᾱη̄είε ᾱαᾱδ̄εεεοε ᾱα οίεη̄α αείη̄αεε̄η̄είε ίαοοδ̄α (αίη̄α, οίη̄α, ι, ο) οᾱεεεαδ̄εᾱα η̄αί οᾱεεε ϋοδ̄εη̄Εε είϑει. Αοίεη̄α ο-οί ᾱη̄η̄εε ιᾱη̄οείοη̄είη̄α αέδ̄ ία-α οοδ̄εαδ̄ε ίεη̄ε οαδ̄εϋᾱη̄εαα εϖδ̄εεεοε είϑει. Οᾱεεε αᾱη̄εεα ιᾱη̄οείο εοεᾱα ϖ̄εϋαδ̄εο η̄αείεε ϖδ̄οα-α εέεεε ϖ̄η̄εο ααδ̄αᾱη̄είε αίεϋεαο είϑει.

Αεϑίεη̄α ίεη̄η̄είεϑ̄αα ιᾱη̄οείο εοεᾱα ϖ̄εϋαδ̄εο δ̄αᾱη̄είεη̄α ᾱαᾱδ̄εεεοε ϋοέεᾱαε-α:

1999η̄	2000η̄	2001η̄	2002η̄	2003η̄
105.7%	103.2%	100.7%	110.4%	115.5%

Ιδ̄οα-α ϖ̄η̄εο ααδ̄αᾱη̄ε ϋοέεᾱαε-α αίεϋεαίαε.

$$\sqrt[4]{103,2 * 100,7 * 110,4 * 115,5} = \sqrt[4]{13251037} = 1,072 \text{ \u03b5\u03ba} 107,2\%$$

